

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 181 (6. 072)

1986 йил 8 август, жума

Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

Мусобақа шарофати

Тошкентдаги таъриб-механика экскаватор-ремонт заводи Улуғ Октябрьнинг 69 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора кенг қулоқ ёйдирмоқда. Меҳнат беллашувига қўшилиётган коллективлар сони эса кун сайин ортиб бораётган. Ҳозирча социалистик мусобақада Н. Исамухамедов бошлиқ қилаётган кўча-дала ётоқхона-вагонлари тайёрлаш бригадаси, В. Уколов ва М. Хусниддиновлар раҳбарлик қилаётган ремонтчи ва термистлар бригадалари пешқадамлик қилишмоқда. Улар смена топириқларининг ҳақиша 115—120 процента етказиб адо этишляпти.

Корхона ишчиларининг юксак унвон билан қилаётган меҳнати ўз самарасини бермоқда. Олти ойлик план муддатини илгари бажаришди. Топириққа қўшимча 170 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Корхона коллективи Улуғ Октябрь байрамини меҳнатда юқори натижаларини қўлга киритган ҳолда кутуб олиш мақсадида йиллик планда белгиланган кўрсаткичга қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Завод меҳнат аҳли энергия ресурсларини тежас, илгор методларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги технологияни эвазига 120 тонна металл ва 140 минг киловатт-соат электр энергияни иқтисод қилишга аҳд қилган. Тежаб қолган материаллар ҳисобига икки кун ишлаб берилади ва 126 минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрланади.

Рельсозлар ютуғи

(БУГУН)

Урта Осиё темир йўли бошқармасининг Собир Раҳимов районидан 14-рельс пайвандлаш поезди коллективни йил бошдан буён тайёрлаб чиқарган пўлат узлар 143 километрдан ошиб кетди.

— Поездимиз меҳнат аҳли ўн йиллик беш йилликнинг биринчи йилида муваффақиятлик меҳнат қилмоқда, — дейди унинг бошлиғи Йигитали Режаевалев. — Корхонамизда тайёрланган пўлат узлар асосан Тошкент, Бухоро, Ашхобод, Душанбе темир йўли бўлиқларига етказиб берилмоқда. Пўлат узларни бириктирувчи азаматларимиз ҳар бир иш соатидан умумий фойдаланиш, электр ва газни тежаб-тергаб ишлатиш билан бирга смена топириқларини ошириб бажаришга эришмоқдалар. Уларнинг бу йилги аҳди 250 километр узунликда узлар тайёрлаб беришдир. Машинасини И. Чепрунов, пайвандловчилар Ю. Цвентух, Б. Абдиев, Ф. Горшков, силлиқовчи С. Газизова ва бошқалар кундалик топириқларини 120 процентдан бажармоқдалар.

Муваффақият негизлари

Урта Осиё темир йўли Тошкент бўлими Собир Раҳимов станциясининг ёш меҳнаткашлари — Д. Нурмухамедов билан З. Таби дулиналига «Коммунистик меҳнат зарбдори» ишончалар ва гувоҳнома топириқлари. Станциянинг бутун коллективи шулардан ўрнак олиб, катта муваффақиятга эришди. Август ойидаги ишлар октябрь ҳисобидан бормоқда. Темирйўлчилар социалистик мажбуриятларини бажаришга янги турбидлар — узлар беш йилликнинг биринчи йили программасини муддатдан илгари бажаришга сўз берганлар.

Темирйўлчилар ҳозир ҳар бир вагонга пландан 3 тонна кўп юк сиғдиришга муваффақ бўлдилар. Станцияда ҳар кун топириқдан ташқари бештагача вагоннинг юк тушириш олишмоқда. Уларнинг тўғаш мундлатлари қисқартирилди. Барча хизматларнинг ушқоқлик билан ишлаш шундай натижаларга эришишга эрдан бормоқда.

(Тошкент оқшомини ва УТАГ муҳбирлари.)

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси 6 август кунини бўлиб ўтган мажлисида республикада эм-хашак тайёрлаш борасидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқди.

Ўзбекистон ССРнинг қўпгина область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, ҳўжалик органлари эм-хашак етиштиришни кўпайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш вазифалари бажарилишини ҳали тулиқ таъминламаётганликлари қайд этиб ўтилди. Чорва қишлови учун муштаҳам ем запасини уюлжуга келтириш борасидаги ишларни амалга оширишга масъулиятсизлик ва уюшқоқсизликка йўл қўйилмоқда. Бу ишда хотиржамлик ва лоқайлиқ намоян бўлмоқда, сув танқислиги шариоитда вужудга келган аҳволининг кескинлигига етарлича баҳо берилмаётган.

Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Қашқадарь, Навоий, Самарқанд, Сурхондарь ва Хоразм областлари партия ҳамда совет органларининг, агроанот комитетларини ва бирлашмаларининг фаолияти кескин танқид қилинди. Ана шу областларда дағал хашак ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кам тайёрланган. Эм-хашак тайёрлаш планини атиги 25 процент уудаллаган Навоий областида, айниқса, қонқарисз аҳвол вужудга келди. Бир қанча областларнинг ҳўжалиқларида шартли ҳар бир беш чорва учун 2,5—4 центнердан озуқа берилги тайёрланган, бу эса республикадаги ўртача кўрсаткичлардан анча кам.

Йўлларда қишлоқ ҳўжалик органларининг йўл қўйиб бериши, ва уларнинг контрол қилмасликлари вазиятида ем-хашак сифатини яхшилаш тўғрисида тегишлича ғамхўрлик қилинма-

япти, уларни тайёрлаш ва сарфлашнинг бирламчи ҳисоб-китоби йўлга қўйилмаган, кўп йиллик ўтларни ўриб-йиғиб олиш технологияси бузилмоқда, оралиқ озуқа экинларини экиш муддатлари бой берилмоқда. Силос учун маккажўхори ниҳоятда суст йиғиштириб олишмоқда, силос йиғиштурувчи комбайнлар ремонтни тугалланмаган, ишловчи машиналар унумдорлиги паст. Чорва молларини боқишда рационининг мутаносиблигига эътибор берилмаётган, озуқа тайёрловчи техника ва озуқа цехлари ишламаяпти.

Партия комитетлари, ҳўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари эм-хашак етиштиришдаги камчиликларга нисбатан тоқат қилиб келмоқдалар, план топириқларини бажарилишини барбод этаётган раҳбарларнинг ҳаракатларига принципал партиявий баҳо берилмаётган. Ҳўжаликлар ва уларнинг бўлиналари ўртасидаги социалистик мусобақа суст ташкил этилган. Эм-хашак тайёрлаш сурьатларини кўчатиришда ҳўжалик ҳисоби ва коллектив пудратнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётган. Эм-хашак тайёрловчилар учун муносиб шарт-шароитларни яратиш тўғрисида ҳамма жойда ҳам ғамхўрлик қилинмапти, деб бўлмади. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришга раҳбарликни таъминламаганликлари, ем-хашак тайёрлаш планларини бажариш ҳамда унинг сурьатларини ошириш юзасидан қатъий чораларни кўрмаганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Навоий область партия комитетининг секретари Я. А. Султонов ва область агроанот комитетининг раиси Б. Нуриллаевни лавозимларидан бўшати.

Ишларни қониқарли таш-

кил этмаганлиги, ем-хашак тайёрлаш сурьатларини ошириш учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан яхши фойдаланмаганлиги сабабли Тўртқўл район партия комитетининг биринчи секретари Г. Н. Ҳожиёвага қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Илйич район партия комитетининг биринчи секретари Р. Хатамов ҳам жазоланди. Қўмқўрғон, Жомбой, Жиззах, Москва ва Шовот район партия комитетларининг биринчи секретари Абдуллаев, Сатторов, Мирқубов, Исмоилов, Ҳайитбоев ўртоқларнинг ем-хашак тайёрлашда ишларни ниҳоятда қониқарли сўз ташкил этганликлари кўрсатиб ўтилди. Улар ишларини яхшилаш юзасидан амалий тадбирларни кўрмаганликлари учун бирмунча қатъийроқ партиявий таъсир чоралари қўрилади, деб оғохлантирилди. Қорақалпоғистон ва Сирдарё областлари партия комитетларига ем-хашак етиштиришда раҳбарлик қилишдаги камчиликлар учун Тўртқўл ва Илйич район ижроия комитетлари раисларининг ҳамда шу районлар агроанот бирлашмалари раисларининг партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топириқли.

Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарь, Навоий, Хоразм област партия комитетлари бюрорларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг эътибори бўлгуси чорва қишлоғига муштаҳам ем-хашак запаси яратилиши, ем-хашак ресурсларидан фойдаланиш ва уларни сақлашдаги ҳўжасизлик учун кадрларга нисбатан талабчанлик паст эканлигига қаратилди.

Марказий Комитет Бюроси область партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Со-

ветидан, область ижроия комитетларидан ем-хашак етиштириш ва тайёрлаш борасидаги ишларни тубдан қайта қуриш, белгиланган план ва топириқлар сўзсиз бажарилишига кадрларнинг куч-ғайратларини сафарбар этишни талаб қилди. Партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига озуқа қабол экинлар, айниқса, беда парварлишини кучайтиришга, бу экинларни сурьорини жалб этиш тақлиф қилинди. Маккажўхорини силос учун ўриш сурьатларини устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, тақорорий ва оралиқ озуқа экинларини экиш топириқларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш керак. Бу муҳим ишда уюшқоқсизлик ва интизомсизлик фактларига принципал партиявий баҳо бериш лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат агроанот комитетига, област партия комитетлари ва область ижроия комитетларига ҳар бир район, колхоз ва совхоз бўйича ем-хашак тайёрлашнинг боришини танқидий кўриб чиқиш, ем-хашак тайёрлашни ташкил этиш учун озуқабоп экинлар парварлиши ва уларни йиғиштириб олиш технологиясига қаттиқ риоя этилиши учун ҳўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини ошириш, чорвақилиш озуқа базасини муштаҳамлаш чораларини қўриш учун уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш вазифаларини топириқли.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида ҳўжалик қурилишга партия раҳбарлигининг бошқа масалалари кўриб чиқилди ва шулар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

6 августда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети бюросининг мажлиси бўлиди. Унда фантехника тараққиёти ютуқларини жорий этишни тезлаштириш асосида тайёрланаётган машиналар ва ускуналар сифатини яхшилаш, уларга материаллар сарфини камайтириш юзасидан қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотларининг ташкилотчилиги ва сиёсий ишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланганича, КПСС Марказий Комитетининг апрел (1985 йил) Плениуми, партия XXVII съезидан сўнг қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотлари фан-техника тараққиёти асосида машина ва ускуналар сифатини яхшилаш, материаллар сарфини қисқартиришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш юзасидан ташкилотчилиги ва оммавий-сиёсий ишларини бир мунча активлаштирилди.

Шу билан бирга маъмур партия ташкилотлари ишда масалалар эскича ёндашилди, бир қоллида ишлаш ҳамон ҳўкым сурмоқда, ишлаб чиқаришни интенсификаштириш, пировард натижаларини яхшилашга қаратилган меҳнатини ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини жорий этишда жиддий қадам қўйилгани йўқ. Партия ташкилотларининг эътибори машиналар сифати ва чидамлилигини тубдан оширишга, уларга материаллар сарфини камайтириш юзасидан

сменада ишлатилади. Сифатини оширишнинг ихтисослаштириш ва кооперациялаш, кам чийитли ва чийитсиз прогрессив технологияларни жорий этишдек резервлари ҳам қишлоқ ҳўжалиги машинасозлигида яхши йўлга қўйилмаган. Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарини суст ишлаётганлигининг сабабларидан бири «Главамашловоқдство»нинг ташкилотчилиги ва йўналишувчилик роли йўқлигидир. Бу Глава раҳбарлари, мутахассислари кун талабини ҳисобга олмапти, корхоналарини узлуқсиз техник реконструкциялаш комплекс программалари ўрнига майда-чуйда тадбирлар билан чегараланиб қолмоқдалар. Тошкент ва Чирчиқ шаҳар партия комитетлари, район партия комитетлари бўш раҳбарлик қилаётган оқибатда қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотлари ишда жиддий нуқсон ва камчиликлар рўй бермоқда. Бу корхоналар партия комитетлари иш услуб ва методларини яхшилашга етарли ёрдам кўрсатилмапти, социал масалаларини ҳал этишга лозим даражада эътибор берилмаётган.


Область партия комитетининг бюроси «Главамашловоқдство» ва унинг раҳбарлари Сафаров ҳамда Матчонов ўртоқларининг йўналишда қониқарсиз ишлаётганлигини таъкидлади. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирламчиси, «Техноло» илмий-ишлаб чиқариш бирламчиси, «Ташсельмаш» заводи, «Ўзбек-

сельмаш» бирламчиси, пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, «Чирчисельмаш», «Ташхиссельмаш», агрегат заводалари, «Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирламчиси партия комитетларининг, «Главамашловоқдство» аппарати партия бюросининг машина ва ускуналар сифати ҳамда ишчиларини ҳар томонлама ошириш, материал сарфини камайтиришга коллективларни сафарбар этиш соҳасидаги ташкилотчилиги ва сиёсий ишчи қониқарсиз деб топилиди.

Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналари партия ташкилотлари ва раҳбарлари олдиға ҳар бир иш ўрнида интизом ва тартибни муштаҳамлаш, коллектив олдига турган вазифаларини бажаришга ижодий ёндашишни кучайтириш, цех партия ташкилотлари ва партия гуруппалари ролини тубдан ошириш, цех ва ишлаб чиқариш бригадаларида партиявий таъсирини кучайтириш, партия XXVII съездининг ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама интенсификаштириш, ўн йиллик беш йилликда маҳсулот сифатини оширишда, социал масалаларни комплекс ҳал этишда тубдан бурилишга эришиш учун цех партия ташкилотлари ва партия гуруппаларининг ролини анча ошириш вазифаси қўйилди.

Область партия комитети бюросининг мажлисида бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Замондошимиз



В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирламчисида жуда кўп ветеранлар, ўз касбининг қўли гул усталари меҳнат қилишади. Шулардан бири коммунистик меҳнат зарбдори, ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар социалистик мусобақасининг голлиби Сергей Александрович Норкин. Ҳозир у бирламша механика-йиғув цехидаги пешқадам слесарлар бригадасига бошлиқлик қилади, бригадирлар кенгашининг раиси, цех халқ контролининг аъзоси, Фидокорона меҳнати учун у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

— Бундан йигирма йил муқаддам шу корхонага ишга келганимда ёшгина йигит эдим, — деб ҳикоя қилади Сергей Александрович. — Мени меҳнат ветерани, моҳир слесарь Петр Иванович Макарова шогирд қилиб тайинлашди. Устозимдан жуда кўп касб сирларини ўргандим. Менда техникага қизиқиш уйғотган учун Петр Ивановичдан умрбод миннатдорман. Вақтининг ўтишини қаранг. Мана энди ўзим ёшларга устозлик қилаётман. Улар-

нинг аксарияти ҳозир корхона илгорлари сафидан ўрин олишган. Авлодлар эстафетини деб шунга айтишса керак. Сергей Александрович бошлиқ бригадининг ҳар бир аъзоси ҳақида ҳам талай илқи сўзларини айтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири халқ ҳўжалиги юкларини ташийётган, пассажирлар манзилини яқин қилаётган ҳаво лочинларига ўз ҳиссаси борлиғи билан фахрланса арзийди.

КПСС XXVII съезида мамлакатини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг маддаллаштириш билан бирга энергия ва материаллар, металл сарфини камайтириш каби долзарб вазифалар ҳам олдинга қўйилди. Самолётсозлар партиямизнинг ана шу кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб беришляпти. Жумладан, С. А. Норкин бошлиқ бригада йил бошдан бери 4 минг сўмлик — қарийб 22 тонна металлни тежаб қолди. Бу ишнинг бошланғич хосос. Аҳил коллективнинг режаларини эса улкан.

СУРАТДА: С. А. Норкин. Т. Каримов фотоси.

Бугун Тошкентда ягона сиёсий кун бўлиб ўтмоқда

Халқ фаровонлиги ҳақида катта ғамхўрлик

«Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариши ва хизмат соҳаларини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш — умумхалқ ишидир». Бугун Тошкент шаҳарда бўлиб ўтаётган ягона сиёсий кун мавзуси шу масалалар бағишланган.

Меҳнаткашларнинг турли-туман кенг истеъмол товарларига, шунингдек, кўрсатилган хизмат турларига бўлган эҳтиёжи қанчалик тўла қондирилса, уларнинг меҳнат активлиги ҳам шунчалик кучаяди. Шу жиҳатдан халқ истеъмоли товарлари

ишлаб чиқариши ва хизмат соҳаларини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш беҳисс аҳамиятга эгадир. [Ягона сиёсий кунга бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саноҳидаги ўқишингиз мумкин].

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган катта гурупа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

«Узэлектромонтаж» трестининг Тошкент область монтаж бошқармаси электр монтажчиси Х. Толипов Октябрь Революцияси ордени билан;

«Узэлектромонтаж» трестининг Чирчиқ монтаж бошқармаси электр монтажчиси В. А. Бордоқ, «Средатепломонтаж» трестининг Тошкентдаги «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармасининг оловкорлари бригадир, С. З. Кириллов, «Сантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси газ пайвандчилари бригадир П. Ш. Нишонов, «Узэлектромонтаж» трестининг Тош-

кўча колоннаси бригадир В. П. Кнебелев, «Средатепломонтаж» трестининг Чирчиқдаги монтаж бошқармаси катта иш юритувчиси И. М. Мешков, «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкентдаги «Стальмонтаж» монтаж бошқармаси монтажчилари бригадир И. Х. Зиганшин, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги автобазаси слесари М. А. Самигов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан;

Тўйтепа металл конструкциялари заводи комплекс бригадаси бошлиғи В. В. Косенкова, «Промсвязьмонтаж» трестининг Ўзбекистон монтаж бошқармаси алоҳида монтажчилари бригадир В. А. Бордоқ, «Средатепломонтаж» трестининг Тошкентдаги «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармасининг оловкорлари бригадир, С. З. Кириллов, «Сантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси газ пайвандчилари бригадир П. Ш. Нишонов, «Узэлектромонтаж» трестининг Тош-

кентдаги 2-монтаж бошқармаси электр монтажчиси А. С. Усмонов Халқлар Дўстлиги ордени билан; «Узэлектромонтаж» трестининг Олмалиқдаги монтаж бошқармаси электр монтажчилари бригадир П. П. Моллошкна, «Узсантехгазмонтаж» трестининг Назарбекдаги механизациялашган кўча колоннаси бригадир А. Г. Седухин, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг Тошкентдаги «Газмонтаж» монтаж бошқармаси бошлиғи Г. Г. Головлев, «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкент электромонтаж буюмлари заводи электр пайвандчилари бригадир Г. В. Ямулин Хурмат Белгиси ордени билан;

шунингдек, 10 киши III даражали Меҳнат Шухрати ордени билан, 12 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан, 17 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирландилар.

роқ ордени билан тақдирланди.

Тошкент химия-фармацевтика заводининг сараловчиси Х. М. Тождева Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. «Средазстроймонтаж» трестининг Янгйўл қурилиш-монтаж бошқармаси катта ишлаб чиқарувчиси М. А. Столаров, Тошкент химия-фармацевтика заводи слесари В. П. Елфимов, Бутуниттйфок медицина сановат химия-технология илмий тадқиқот институтининг лаборатория мудири Э. А. Сапожниковлар Хурмат белгиси орденига сазовор бўдилар.

«Средазстроймонтаж» трестининг Янгйўл қурилиш-монтаж бошқармаси электрпайвандчиси Р. В. Васильева, Янгйўл биохимия заводи аппаратчиси К. М. Усмонова, Бутуниттйфок медицина сановат химия-технология илмий тадқиқот институтининг слесари М. Х. Абдурахмонова, Тошкент химия-фармацевтика заводи ўрновчиси Д. С. Алхўжаева III даражали Меҳнат Шухрати ордени топириқлиди.

«Шавкатли меҳнати учун» медали билан тўрт киши, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан беш киши тақдирланди.

«Абитуриент—86»: ҚАБУЛ қандай ўтмоқда?

ОЛИЙ ўқув юртлари

КПСС XXVII съезида белгилангандек, фантехника тараққиётини маддаллаштириш социалистик жамят ривожининг ҳозирги босқичида қўйилган энг муҳим талаблардан биридир. Жадаллаштириш ўз билимларини ижодий қўлландувчи, илгор фикрли, малакали мутахассислар етказиб беришни тақозо этмоқда. Бундай

надрларни олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тайёрлаб берайти. Бу соҳадаги вазифаларини ҳал этишга онд масалаларни учун абитуриентларни қабул қилиш бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ҳал олиб бориладиган тайёргарлик ишлари область олий ўқув юртлари партия таш-

килотлари секретарларининг янги тузилган Советида ҳамда Тошкент область партия комитетида бўлиб ўтган кенгашда қўриб чиқилди. Тошкент қишлоқ ҳўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини партия комитетининг секретари Х. Х. Ҳайруллаев Совет раиси, Бериунинг номи Тошкент политехника инс-

титут партия комитетининг секретари А. А. Анцупов унинг ўринбосари этиб сайланди.

Советнинг биринчи мажлисида медицина, қишлоқ ҳўжалиги олий ўқув юртлари, қишлоқ ҳўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини партия комитетлари қабул қилинди.

миссиялари масъул секретарларининг ҳисоботларини тингладилар. Мажлисда абитуриентлар қабул қилишдаги янги қондалар ҳақида очик-часига гап бўлди, бу соҳада айрим олий ўқув юртлари тўплаган ижодий тажрибалар умумлаштирилди. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш йўллари белгиланди.

Кенгашда техникумлар қабул комиссиялари ишнинг ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Унда партия ва совет ходимлари, республика олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, маориф министрлиги бошқармаларининг раҳбарлари, ўрта махсус ўқув юрт-

лари директорлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, қабул комиссияларининг масъул секретарлари иштирок этидилар. Эрта бўгин мутахассисларни тайёрлаш сифатини кескин ошириш масаласини кенгаш қатнашчилари диққат марказида бўлди. Камчиликлар, салбий ҳолатлар очик-ойдин қўрсатилди, уларга йўл қўйилган ўқув юртлари раҳбарлари ошкора танқид остига олинди.

Амалий ишда матлуб қўникма ҳосил қилган, Совет Армияси сафарига, айниқса, Афғонистон Демократик Республикасидаги чекланган қўшинлар составида ўз

интернационал бурчини адо этган кишилар ҳисобига қабул сифатини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг партия комитетлари ва партия бюрорлари кириш имтиҳонларининг боришини, абитуриентларнинг имтиҳонларини муваффақиятли топириқларини учун зарур шароитлар яратиб берилиш устидан доимий назорат ўрнатишлари лозимлиги ўқтирилди.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.



ХАЛҚА ҒАМХЎРЛИК — ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

Келгуси даврда совет кишиларнинг турмуш шартларини яхшилашда, уларнинг маънавий ва жисмоний камол топишда, бундан ташқари оқилона фойдаланишда хизматларини роли оширилади. Енгил саноат, маданий-маиший ва рўзгор моллари ишлаб чиқариш ҳамда уларни истеъмол қилиш структурасини актив равишда, собиқадамлик билан тақомиллаштириб бориш, аҳоли талаблари ўзгариб туришига ўз вақтида эътибор бериш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг меҳнатда, турмушда, дам олишда рўй берган социал-иқтисодий ўзгаришларни тўлиқроқ ҳисобга олиш кўзда тутилган. Буюмларнинг сифати ва хиллиги тўғрисида аҳолининг техник ва эстетик даражасини, фойдаланишдаги пишиқ-пухталлигини ошириш аҳоли учун мол ишлаб чиқариш билан банд бўлган саноат тармоқларининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

(1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс программасидан).

Ишчи ўз ҳамкасби ҳақида

Элда азиз

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси 2-цехига ишга келганига тўрт йилдан ошди. Ушунда энди гина ўрта мактабни тугатган эдим. Оддий деб юрганим ишчилик касби мен ўйлаганчаки жўнгина эмас экан. Унинг ҳам ўзига яраша сир-асрори ва талай муаммолари бор экан. Мен бунинг қорихонада ишлаб бораётган биринчи бор экан. Мен бунинг қорихонада ишлаб бораётган биринчи бор экан. Мен бунинг қорихонада ишлаб бораётган биринчи бор экан.

— Қалай, — деди у даб-дурустан. Ҳеч нарса демай, елка қисиб кўя қолдим.

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Бугундан бошлаб мен билан ишласан қизим, — деди меҳрибончилик билан у.

Устозим Сирожиқдин Пўлатов билан аяна шундай танишдим. Кейин билсам у киши 26 йилдан бери шу қорихонада ишларкан. Оддий ишчиликдан бригадирлик даражасига кўтарилган экан. Сирожиқдин аканинг «Халқ оқибати» бахт келтиради, деган сўзлари ҳамон эсимдан чиқмайди. Бу гап тағида катта ҳақиқат бўлишини ўз тажрибамда жуда кўп синиб кўрдим.

Сирожиқдин Пўлатов ҳақида гап бораганда ҳамма унинг номини кўрмат билан тилга олади. Бу камтарин инсон ҳақида илқ филоларни айтишди. Чунки у ҳамма билан баб-баравар муомала қилади, катталарга эътиборли, ёшларга ўта меҳрибон. Маана, ҳаётини бир мисол. Утган йили қорихонамизга Кабир исмли ёш йигит ишга келди. Негадир у ҳадегадиз ишга қўйишга кета қолмади. Мураббийлар йигитнинг ўқимайдиган, ишқасилигидан шикоят қилишларини билди. Бунинг устига у баъзан ишга ишб қелади олат чиқарди. Кўпчилик танбех берди. Бўлмади. У ўз билганидан қолмади. Шундай кунларнинг бирида Кабирнинг меҳнат интизоми насасан муҳома қилинди. Ушунда деярли барча ишчилар унинг қорихонадан ҳайдаш керак, деган тақлифни киритишди. Фақат бир киши бу тақлифга қарши чиқди. Бу — Сирожиқдин ака.

— Шундай катта коллективнинг кучи ҳаёт бир кишини тарбиялашга етмас. Деди у оғир-азим. — Ишдан ҳайдаш бу осон йўл. Ишқасилдан қўйишнинг энг қулай усули. Аммо уни тарбиялашчи! Бу кишини. Келинлар, яхшиши уни меҳна беринлар. Кабир билан ўзим бир ишлаб кўраман.

Эсимда, ушунда йигит бу меҳрибон кишига миннатдорчилик тўғриси билан узоқ тикилиб қолди. Бир-икки кун галати бўлиб юрди. Кейин ишга киришиб кетди. Ҳозир Кабир Савдош илгорлар сафидан ўрин олган. Қорихонанинг маънавий ишчиларининг бири.

Сирожиқдин Пўлатов фабрикадаги энг пешқадам бригадалардан бирига бошчилик қилади. Унинг бригадаси ҳамма кунлик, ойлик планларини ортиги билан эдо этади. Коллектив ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кўлга қўйилиши эса ютуқлар оқили бўлмоқда. Мусобақа натижалари ой сайин чиқариб турилади. Илгорлар раббатлантирилади. Уларга кўйма вишпелъ топирилади.

Сирожиқдин ака ҳар бир ишда бригадасида бошқош. Аваало унинг ўзи ибрат қўрсатишга ошмади. У икки беш йиллик илгори. Шу билан бирга икки беш йиллик топириларини бир беш йилликда уладлаган экан.

— КПСР Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Меҳнаткашларига Мурожаатномаси коллективимизни янада руҳлантириб юборди. Унга жавобан мусобақани авж олдириб ишляпмиз, дейди биз билан сўхбатда Сирожиқдин Пўлатов. Бригадасида коллектив Улуг Октябрьнинг 69 йиллиги кунигага ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили план-топириқларини бажаришга аҳд қилган.

А. ҚУРБОНОВА.

Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикаси ишчиси.

МАМНУНМИЗ

ХУШМУОМАЛА КИОСКАЧИ

Биз 84-алоқа бўлими ходимлари хизматидан мамнунмиз. Бу алоқа бўлимига Татьяна Владимировна Шамшова бир неча йилдан бери раҳбарлик қилиб келади. Эрталаб чой ичмасимиздан кундалик газета ва журналларни олиб келишди. Почтачон Р. Асламова ўзининг хушмуомалалиги билан барчанинг эътиборини қозонган. Бундан ташқари алоқа бўлими хизматидан А. Буккина, С. Абиева, В. Сосова каби барчанинг ҳурматиға сазовор бўлишмоқда.

Н. ГИЕСОВ.

Б. ОРИПОВ.



Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг умумий ишдан сўнг кўнгилли дам олишлари учун барча шароитларни яратмоқда. Республикаимиз пойтахти ва унинг атрофидаги сўлим жойларда дам олиш зоналари барпо этилмоқда.



Яқинда «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-нон заводи қошида маккажўхори қаламчаларидан ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги цех ишга туширилди. Цех кунига 400—500 килограмм маккажўхорини қайта ишлаш қувватига эга. У кунига савдо тармоқларига 1600 — 1800 кўти маҳсулот тайёрлаб жўнатмоқда.

М. НУРИДДИНОВ ФОТОСИ.

Истеъмол буюмларига — кенг йўл

СИФАТГА—ЭЪТИБОР

Илгари «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг рўмол цехида 14 хил рўмол ишлаб чиқарилади. Аммо бу буюмларни харидорлар сўйиб харид қилмасди. Қорихона маҳсулотининг сифати кўп танқид қилинарди.

Кейинги икки-уч йил мобайнида бирлашмада рўмоллар сифатини яхшилаш бўйича аниқлаш ишлари қилинди. Ҳозир бу ерда тўрт хил рўмол ишлаб чиқарилади. Бироқ булар илгарики рўмоллардан фарқ қилади. Уларни тайёрлашда энг янги материаллардан, чиройли гул нусхалардан фойдаланилади. Бу борада қорихона Маргилондаги «Атлас» шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси билан яхши ҳамкорлик қилипти. Бу қорихона бирлашмага қизил, оқ сўлим шойи материаллар етказиб беришти. Бу материаллардан бирлашма расомлари ноёб гул нусхалари туширилган чиройли рўмоллар тайёрлашади. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган рўмоллар сифати Иттифоқи қанмидаги энг илгор Рига тўқимачилик-галантерея бирлашмасида тайёрланаётган рўмоллардан қолишмади.

Тўртинчи кварталда рўмол цехига Австрия ва Италияда тайёрланган 30 метрлик янги линия ўрнатилди. Бу линиянинг ишга туширилиши рўмоллар хиллини янада кўпайтириш, сифатини яхшилаш имконини беради.

Утган ойдан бирлашмада икки хил сочиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу буюмдан йил охиригача 90 минг сўмлик, келаси йилда эса 150 минг сўмлик тайёрланади.

Ҳозир бирлашма йилига 34 миллион 700 минг метр резина ишлаб чиқаришти. Бу маҳсулотнинг 27 миллион метри республиканинг саноат аҳтиёғи учун ишлатилипти.

Қолгани савдо тармоқларига чиқарилади. Табиийки, бу 18 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган республикамизнинг аҳтиёғи даражасида эмас. Шунинг учун ҳам коллектив яна 33 миллион метрга кўпайтиришни режалаштирипти. Шу мақсадда яқинда цехларга Швейцариядан сотиб олинган бешта янги тўқув станогини ўрнатилди.

Кейинги икки-уч йил ичида техник тараққиёти бўйича амалга оширилган ишлар меҳнат унвондорлигини 15 процент ўстириш, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, қўл меҳнатидан фойдаланишни анча камайтириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан илҳомланган бирлашма коллектив ҳозирги кунда ўзаро социалистик мусобақани кенг қўлчи ёйдириб меҳнат қилмоқдалар. Бу мусобақада утган беш йилда икки беш йиллик топиригини ядо этган Бахтиёр Маннопов, Собит Саидов, Галина Арцебасова ва Людмила Серёженко сингари ишчилар пешқадамлик қилишляпти. Бу ишчилар смена топириқларини мунтазам ортиги билан бажариб, аъло сифатли буюмлар тайёрлашляпти.

Цехлар ўртасидаги мусобақада тўқув цехи коллектив пешқадамлик қилипти. Бу ерда ҳар кун иш билан бажариб, аъло сифатли ленталар тайёрланиб, буюртмачиларга жўнатилади.

Ярим йил мобайнида бирлашма коллектив яна 10 миллион 850 минг сўмлик янги маҳсулот реализация қилди. Бу маҳсулотнинг 34 минг сўмлиги планга қўшимча тайёрланди.

И. НАЗАРОВ.

КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

Тошкент агрегат заводи кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва уларнинг турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бу ерда яқинда яна бир янги буюм тайёрланадиган бўлди. Бу «Кўнча» деб номланган уч гиндиракли болалар велосипедидир.

Шаҳримиздаги «Горобуврембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Рашель» типидagi машина ердада кепрон илгардан тузилган тўр ишлаб чиқариши йўлга қўйди. Бу ярим фабрикадан асосан пофазалининг юзори қисми учун ишлатилади. Қорихонада шундай тўрлардан уч хил размерда тайёрланадиган.

Тузилган тўр мустаҳкам ва чидамли бўлиши ҳамда узоқ хизмат қилиши учун «НЦ» маркадаги мебель лангига шимдирилади. Кейин у турли рангларга бўялади.

Янги маҳсулотнинг «Узгиротехбиз» институт томонидан ишлаб чиқилган техник шартлари яқинда Ўзбекистон республика Давлат стандартлаш бошқармаси томонидан рўйхатга олинди.

ЎЙЛАБ КЎРИШСИН

Биз В. И. Ленин номи Тошкент метрополитенининг 1-ётоқхонасида истиқомат қиламиз. Деярли ҳаммамиз республикамизнинг область ва районларидан келган ёшларимиз. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиймиз. Ётоқхонамиз яхши, ҳамма шартлар яратилган. Бунинг учун метрополитен раҳбарлардан миннатдоримиз. Аммо бир тақлифни ўртага ташламоқчимиз. Узоқ районлардан ота-оналаримиз, ака-укаларимиз бизни кўрганга келишадик. Ётоқхона маъмурияти бизларни кўрганга келган кишиларни ичкарига киргизашмайди. Шаҳримиз катта. Меҳмонхоналар ҳам кўп. Аммо уларнинг ҳаммаси банд бўлади. Узоққа бормайлик. Ёнимиздаги «ДОСААФ» меҳмонхонасини мисолга олайлик. Бу ерда ҳам худди бошқа меҳмонхоналардаги каби «жой йўқ» деган жавобни оламиз. Шунинг учун узоқдан келадиган қариндошлар учун икки-уч кишилик жойини ётоқхонада ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлмаслигини. Ана шунда сарсон-саргардонликка ҳам барҳам берилади, келган меҳмонлар жой қидириб асаблари бузилмасдан, хурсанд бўлиб қайтишарди.

Н. БОЗОРОВ,

Ф. ОЧИЛОВ

ва бошқалар.

Жами 10 имзо.



ДУНЮ ХАВАРЛАРИ
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЭЗДИЛАР

Жаҳон шаҳарларида

О НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ахборот департаменти жаҳон ҳамжамияти қароргоҳида аш тадқиқотчиларининг Тинч океанда тинчлик ва ҳамкорлик проблемаларига бағишланб Находкада ўтказилган халқаро семинари тўғрисида пресс-релиз (маълумотнома) тарқатди. Унда, жумладан, анжуман катнашчилари Совет Иттифоқининг қуролланмиш пойғасини тўхтатишга, Тинч океани ҳавасини тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришга қаратилган тақлифларини қўллаб-қувватлаганликларини таъкидланади.

О ПРАГА. Бу ерда Чехословакия давлат чегарасини кўриқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилганлигининг 35 йиллиги муносабати билан виставка очилди. Чегарачиларнинг меҳнатига ва матонатининг бебаҳо далилларини бўлган минглаб экспонатлар ва ҳужжатлар уларнинг машаққатли меҳнати, ЧССР, социалистик негизларни мустаҳкамлаш учун олиб борган кураши тўғрисида хикоя қилади. Қўпгина материаллар социалистик давлат ташкил топангидан кейинги йиллар мобайнида АҚШ ва НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг махсус хизмат маҳкамалари Чехословакияга қарши олиб борган кўпорузчилик фаолиятининг қўлланларини аққол кўрсатиб беради. Виставка қўлга қурол олиб, диверсантлар, империалистик разведка агентлари йўлини тўсган конкрет кишилар, чегарачиларнинг тақдирини тўғрисида хикоя қилади.

БУРКИНА ФАСО

УАГАДУГУ. Буркина Фасо халқи миллий байрам — август революциясининг уч йиллигини тантанали нишонлади. Пойтахтнинг бош магистрли — байроқлар ва транспарантлар билан безатишган/мустақиллик авенюсида оммавий намойиш бўлиб ўтди. Мамлакат президенти Томас Санкара намойиш қатнашчилари ҳузурда нутқ сўзлади.

Буркина халқи, деди давлат бошлиғи, революциянинг навбатдаги йиллигини ҳаётнинг турли соҳаларида муваффақиятлар билан қутиб олди.

МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

Революция миллий кенгаши раҳбарлигида миллий экономикани, қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш борасида катта катта тадбирлар амалга оширилди, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши янада ривожлантирилди. Аммо ҳали мамлакат кўп иш, жумладан, социал соҳада талайгина ишлар қилини керак, деб таъкидлади президент. 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш биринчи беш йиллик планида катта вазифалар ўртага қўйилган.

ДУШМАН ГУРУҲЛАРИ ТУГАТИЛДИ

КОБУЛ. АДР қуролли кучлари Афғонистон территориясига чет эллардан юборилган ёлланган душманларнинг икки гуруҳини тугатди. БАХҲАР агентлигининг хабар беришича, Гор ва Бағлон вилоятларида ўтказилган жанг ҳаракатлари давомидан ёлланган каллақасарлардан анчагинаси йўқ қилинди. Душманлардан ўлма олинган қурол-яроғ ва ўқ-дори, шу жумладан ракетапар, минометлар, йирки калибри пулемётлар, шунингдек кўпорузчилик руҳидаги адабятлар босмачиларнинг империалистик мамлакатлардаги жосуслик ташкилотлари билан алоқа бўлаб турганлигининг рад этиб бўлмайдиган далилидир.

АКИХАБАРА СТАНЦИЯСИДАГИ ФОЖИА

ТОКИО. Ана шу бахтсиз ҳодиса ҳақидаги хабарини Токио радиоси утган ақшанба кунги «Ходисалар» бўлимида ҳўиб эшиттирдик. «Бугун туш пайтида, — деб хабар қилди диктор хотиржамлик билан, — Акихабара станциясининг ишчиси Мигуцу Нагумо ўзини поезд тагига ташлади. Нагумо кейинги вақтларга Акихабара станциясида ишлаган эди. Унинг қўлига ишлаб чиқаришни рационализациялаш муносабати билан ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги хабар текнанидан кейин ўзини ўзи ўлдирган».

Нагумо фожиаси бугунги Япония ҳаётидаги яқка-ягона ҳодиса эмас. Давлат темир йўл ходимлари умумлопан қатнаш соҳида ТАСС мухбирига маълум қилишларича, мамлакат ҳўкумати ҳусусий капиталга ён босиб, давлат темир йўллари деңационализация қилиш ҳақида қарор қабул қилганидан кейин 60 дан кўпроқ ишчи ўзини ўзи ўлдиргани қайд этилди.

ПЕКИНДА ЯНГИ МУЗЕЙЛАР ҚУРИЛМОҚДА

ПЕКИН. Пекин шаҳар маъмурлари Хитой пойтахтида 16 та янги музей очиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу музейлар еттинчи беш йиллик 1986 — 1990 йиллар мобайнида қурилади.

Фан ва техника музейидан ташқари спорт, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, почта ва алоқа воситалари, матбуот, адабият музейлари ўрин олади.

ОБЪЕКТИВДА — БЕРЛИН



БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг пойтахтига келётган меҳмонларда шаҳар марказининг архитектура қиёфаси катта таассурот қолдирмоқда. Замонавий услубда қурилган янги-янги бинолар, тарихий иншоотлар ва ёдгорликлар билан ҳамоҳан бўлиб кетган Берлин яна икки йилдан кейин ўзининг 750 йиллик тўйини нишонлашга таратдул кўрмоқда. Бу катта сана арафасида шаҳар гўзаллиги намойен қилади. Уй-жой бинолари жадал қурилиши билан бирига майдонлар ва кўчалари ташмирлаш ва янгиллаш бўйича кенг кўламада ишлар амалга оширилмоқда.

Суратларда: «Паластотель» меҳмонхонасининг замонавий биноси, шаҳар марказининг умумий кўриниши.

ТАСС ФОТОХРОНИКАСИ.



Жакарта чекмасида бўйбўй этилган улкан музей шундай деб аталамоқда. Дунёдаги энг йирки орол мамлакатининг эътиқ, турмуш ва маданий ҳаёти музейда тўлғалтича ўзифодасини топан.

О БОНН. Германия социал-демократик партиясидан Бундестаг депутаты Манфред Шмидт ГФР ҳўкуматидан 30 июль кунин НАТОнинг Бава-ридаги ҳарбий базасида Американинг «Першинг-1А» ядро ракетаси аварияга учраганлиги сабабларини дарҳол текширишни талаб қилди. Парламент аъзосининг фикрича, ана шу авария ГФРда Американинг ядро ракеталари жойлаштирилганлиги мамлакат аҳолисига доимий хавф солишини исботловчи навбатдаги далилдир. Шмидт Бонн расмий доираларидан ГФР территориясидagi ядровий «Першинглар» дарҳол олиб чиқиб кетилишини, мамлакатда Американинг қанотли ракеталари жойлаштирилишига йўл қўймаслигини талаб қилди.

АКЭЛ ПАРТИЯСИНИНГ

БАЁНОТИ

НИКОССИЯ. Кипр меҳнаткаш халқи прогрессив партияси (АКЭЛ) фондиға маблағ тўплаш кампанияси бошланди. Шу муносабат билан партия Марказий Комитетининг баёнотида бу йил кампания АКЭЛнинг 60 йиллиги нишонланадиган ва партиянинг XVI съезди бўладиган йилда ўтаётганлиги қайд этилади.

КУЧЛИ ЁНГИН

● ПАРИЖ. Франциянинг Ўрта Ер денгиз бўйидаги Дром, Буш-де-Рон ва Ардеш департаментларидаги ўрмонларда чиққан ёнғин хатарли тус олдди.

Утган кунлар давомида 1200 гектардан ортиқ ўрмон қуйиб қул бўлди. Кучли шамол тўфайли ёнғин яқин атрофдаги территорияга тез тарқалмоқда. Табиий офатга қарши кураш учун ўт ўчирувчиларнинг махсус бўлинмалари юборилди.



ҚАЙСИ ПОЧТА ИШОНЧЛИ

«Кема ҳалокатга учради. Кимасиз оролда яшаймиз. Оқин-оқит тугади, сув эса ниҳоясига етмоқда. Ердам беринглари!» Австралидаги Квинсленд штати истиқоматчилари қирғоққа чиқиб қолган маргарин қутисидан шу мазмундаги хатни топиб олдлар.

Бу хат Кук оролидан яқка ўан бешинчи қитъа соҳиллари сари саёҳатга чиққан ва дом-дараксиз йўқолган америкалик яхтакчи таваддулдилар деган тахмин вужудга келди.

Маҳаллий ҳўкумат маъмур хатни Канберрага текшириш учун жўнатишга қарор қилди. Оқибатда бу воқеа қарийб фожиали тугаллашни мумкин эди. Хат почтада ушланб қолди ва икки ҳафтадан сўнг деңгиз хавфсизлиги миллий марказига келиб тушди. Қўти деңгиз тўқилари орали бор-йўғи тўрт кунда адресатга етиб боргани маълум бўлгач, «Хайратлик, мен уни деңгиз орали жўнатган эканман», — деди сўнги дақиқаларда қутқарилган спортчи маъжуслик билан ҳазиллашиб.

ТОЗИ ҲАВАС

УЙҒОТДИ

Меридиан штатилик 40 ёшли америкалик аёл ўзининг эрини... сотиши тўғрисида газетада эълон берди. «Эр билан айни пайтда овчилик ва балиқ овллаш жиҳозлари, бир жуфт жинсин, қўйлак, ботинкалар ва овчи тўзиси арзон нархда сотилади. Еқимтой, аммо апрель ойидан то октябрь ойига қадар уйда бўлмайди» — дейилган эди эълонда.

Маъжур эълонга 60 киши жавоб берди. Бироқ ҳаммани овчи ит — този қизқитирган экан.

Мини — Индонезия

Жакарта чекмасида бўйбўй этилган улкан музей шундай деб аталамоқда. Дунёдаги энг йирки орол мамлакатининг эътиқ, турмуш ва маданий ҳаёти музейда тўлғалтича ўзифодасини топан.

Фан ва техника янгиликлари

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ереван

«КУТИЛМАГАН КИТОБ»

Арман Бауачиси Хожак Гулназариянинг «Кутилмаган китоб» тўплами машҳур «Моабит дафтери» тақдирини эслатди. Бундан 40 йилдан кўпроқ вақт муқаддам қамолат лагерида ёзилган ва ҳозиргача йўқолиб кетган, деб ҳисоблаб келинган «Кутилмаган республиканинг» «Советанан грох» нашриёти босмадан чиқарди.

Еттига кичик ҳикоя ва 80 та шеърдан иборат бу тўплам иккинчи жаҳон урушининг йилларида Руминия территориясида жойлашган Галафат қамолат лагери маҳбуслари томонидан ёзилган китоб бўлиб қолди. Руминиялик ва таъналардан авторга қозғов ва қалам етказиб берганлар. Бутун лагерьда яширинча тўпламнинг картон ва гулқозғ муқовалаш учун ишлатилган.

Маҳбуслар бир неча ой мобайнида қочиб таяйғарлик қўришган эди. Лекин бу урушнинг муваффақиятсиз тулғанидан кейин «Кутилмаган китоб»ни сақлаш анча хатарли бўлиб қолди: гитлерчилар баракларда тинтув ўтказиб, шубҳали қўришган ҳамма нарсани тортиб олардилар. Автор маҳбуслардан бири — врач А. Саакан орқали қўл-ёзмами ташқарига чиқариб юборган эди. Кейинчалик бу қўл-ёзма излари йўқолиб кетди.

Х. Гулназария тасолиф туфайли омон қолди. Доктор ҳам ҳалок бўлмаган эди. У фашист қамолатларида дунёга келган китоб авторини қидириб топиб, унга ана шу китобни юборди.

— Бу сатрларини эълон қилар эканман, дейди Бауачиси, кишилардаги бутун инсонийликни йўқ қилиб юборувчи фашизмнинг ёвуз моҳияти ҳақида айниқса ёшларга яна бир қарра эслатиб қўйган келди. Бугунги кунда қуролат таяниб, ер юзи халқлари билан зуравонлик позициясидан туриб суллашишга интилаётган кишиларга қарши яна ҳам қаттиқроқ курашиш керак. Мен ақл бовар қилмайдиган синовлар орқали ўтиб, талабага ишонч билан қараган ва талаба қозонган совет кишиларининг буюк маънавий кучини яна бир бор намоёни этишга зарур, деб ҳисобладим.

Адиб ўз ижодида ёшларга мурожаат қилади. Санъаткор болалар учун ўқитишга яқин китоб яратган. Унинг повестлари, ҳикоялари, шеърлари СССР халқларининг қўлига тилларига таржима қилинган. «Артурнинг қўли» ҳикоялар тўплами эса болалар учун энг яхши асарлар орасида Х. К. Андерсен номидаги диплом билан тақдирланган.



▲ ИВАНОВО. Ф. Самойлов номидаги тўқимачилик комбинатининг партия комитети ишлаб чиқариш новаторлари, рационализаторлар, илмий фикрловчи кишиларнинг гайратига таяниб технология жараёнларини такомиллаштириш, янги техникани тадбиқ этиш борасида қорқонанинг цехлари планни реконструкциясини бажаришга киришди.

Корхонанинг цехлари Пензадаги «Текстильмаш» ишлаб чиқариш биноларида таъбирланган янги-янги йигирме машиналар билан ишқозилмоқда.

Суратда: йигирме В. Лебедева ва ёш коммунист мастер ёрдамчиси А. Огуцов янги машинани қабул қилиб олувчи давлат комиссияси учун маълумотлар тўплашмоқда.

Грузия

УЙГА ТРАКТОР БУЮРИШДИ

Грузиянинг Гуржаани районидаги Вазисубани қишлоғининг механизаторлари кичик қишлоқда қишлоқ хўжалиги паркига эмас, балки ҳамма қишлоқларнинг томоқларига томон бурадилар.

Қолхозчиларга тақлиф этилган янги хил хизмат тезда оммалашиб кетди. Эндиликда улар ўз томоқларини ҳайдаш учун тракторни қардан олиш тўғрисида бош қотириб ўтиришмоқда. Плуг, сеялка, трактор ва бошқа кичик механизация воситаларини қолхоздан ижарага олиб туриш мумкин. Бунинг учун қолхоз правленийи билан тегишли шартнома тўзлабас.

Қишлоқ хўжалик техникасини кира қилиш хўжаликда иттифоқчи мустақамлайдиган, кишиларни «чапга» ишлайдиган механизаторлар

хизматига мурожаат этиш заруратидан қутқаради.

